



<https://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

SJIF: 3,546 (2020)

2022/№ 10

**ТАЪЛИМ ВА
ИННОВАЦИОН
ТАДҚИҚОТЛАР**

**ОБРАЗОВАНИЕ И
ИННОВАЦИОННЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ**

**EDUCATION AND
INNOVATIVE
RESEARCH**

**ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH**



**№10, 2022
октябрь**

<p>Муассис: Бухоро давлат университети Фан ва таълим МЧЖ</p> <p>Бош муҳаррир: Маъмуров Баҳодир Бахшуллаевич</p> <p>Жамоатчилик кенгаши раиси: Хамидов Обиджон Хафизович, Бухоро давлат университети ректори</p> <p>Таҳририят кенгаши раиси: Махмудов Мэлс Ҳасанович</p> <p>Масъул котиб: Акрамова Гулбахор Ренатовна</p> <p>Техник муҳаррир: Давронов Исмоил Эргашевич</p> <p>Таҳририят манзили: Бухоро шаҳар, Қ.Муртазов кўчаси, 16-уй</p> <p>Телефон: +998(90)744-00-22</p> <p>E-mail: eirjournal2020@gmail.com</p> <p>Журналнинг электрон сайти: www.interscience.uz</p> <p>Журнал ОАК Раёсатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 306/6-сон Қарори билан ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ФИЛОЛОГИЯ, ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар руйхатига киритилган</p> <p>Босишга рухсат этилди: 10.10.2022 й. Қоғоз бичими 60x84 1/8. б/т.12,5. Буюртма рақами 12 «FAN VA TA'LIM» нашриётида чоп этилди. Бухоро шаҳар</p> <p>Журнал 28.07.2021 йилда 9305 рақами билан Ўзбекистон Омма- вий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтган</p> <p>Журнал 2020 йилда ташкил топди ва 2 ойда 1 марта чоп этилди. 2021 йил ноябрь ойдан бошлаб хар ойда 1 марта ўзбек, рус ва англис тилларида чоп этилади</p> <p>«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-ме- тодик журналдан кўчириб босиш таҳририятнинг розилиги билан амалга оширилади</p> <p>Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулдир</p>	<p>07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ</p> <p>Джураев Ҳ. Х. Мовароуннаҳрда қоғоз ишлаб чиқариш тарихи ва улуғ инсонларнинг пурҳикмат сўзлари</p> <p>Ибрагимов Б.З. К вопросу о репрессивной политике 1980-х годов в Каракалпакстане (хлопковое дело).</p> <p>Жумаева Ш. Ч. Сурхон воҳасида аграр соҳада аёлларнинг ўрни</p> <p>Жумагулов А. Б. Тошкент воҳаси аҳолисининг турмуш тарзи ва моддий маданияти (Бурғулук ва Қовунчи археологик комплекслари мисолида)</p> <p>Жумаева Н. А. Бухоро воҳасида зироатчилик ҳомийси - бободехқон билан боғлиқ урф- одат ва маросимлар (XIX аср охири XXаср бошлари)</p> <p>Дўстназарова М. Э. Сурхон воҳаси аҳолисининг никоҳ тўйи билан боғлиқ урф- одат ва маросимлари</p> <p>10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</p> <p>Bafoyev F. S. Xalq maqollari poetikasi (o‘zbek va nemis xalq maqollari misolida)</p> <p>Адилбекова А. Инновационные методы преподавания английского языка</p> <p>Khudoyberdieva O. M. The analysis of polite acronym words by facebookers in english and uzbek languages</p> <p>Рўзиева Н. И. Султон романларида метафоранинг ифода хусусиятлари</p> <p>Ҳамидов Ҳ. Ижтимоий тармоқлардаги публицистик матнларда метафораларнинг ифодаланиши</p> <p>Наврзובה М. Ф. Тиббиёт ва терминология</p> <p>13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</p> <p>Ибрагимова Г. Н. Ўқувчи-ёшларда ижодий- танқидий фикрлашни шакллантириш ва ривожлантириш</p> <p>Мухсиева А. Ш. Педагогико- квалиметрические основы развития социальных компетенций у учащихся</p> <p>Адилов С. Қ. Кураш турларида координацион қобилият ва техник-тактик тайёргарликларни тақомиллаштиришни режалаштириш</p> <p>Жуманова Ф.У. Компетенции, необходимые преподавателю высшего образования в новый период примирения</p>	<p>7</p> <p>13</p> <p>18</p> <p>25</p> <p>30</p> <p>40</p> <p>48</p> <p>61</p> <p>66</p> <p>76</p> <p>82</p> <p>88</p> <p>96</p> <p>103</p> <p>108</p> <p>115</p>
---	--	---



ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ

Джурев Рисбой Хайдарович, педагогика фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги
Шамсутдинов Рустамбек Темирович, Андижон давлат университети профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори
Мажидов Ином Урушев, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети.
Олимов Кахрамон Танзилевич, педагогика фанлари доктори, профессор, А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети Тошкент филиали
Таджиходжаев Зокирхўжа Абдусатторович, техника фанлари доктори, профессор
Мусурмонова Ойнисо, педагогика фанлари доктори, профессор
Сафарова Роҳат Гайбуллоевна, педагогика фанлари доктори, профессор, Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти.
Ибрагимов Холбой Ибрагимович, педагогика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАХРИРИЯТ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ

Артамонова Екатерина Иосифовна, педагогика фанлари доктори, профессор, Москва давлат педагогика университети, Халқаро педагогика фанлари академиясининг президенти
Емельянова Ирина Евгеньевна, педагогика фанлари доктори, профессор, Жанубий-урал давлат ижтимоий-педагогика университети, Россия
Кузьменко Галина Анатольевна, педагогика фанлари доктори, профессор, Москва давлат педагогика университети, Жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик институти
Олимов Ширинбой Шарофович, педагогика фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети
Сафаралиев Бозор Сафаралиевич, педагогика фанлари доктори, профессор, Челябинск давлат академияси
Жўраев Хусниддин Олтинбоевич, педагогика фанлари доктори, доцент, Бухоро давлат университети
Кулишов Владимир Васильевич, педагогика фанлари доктори, профессор, Давлат иқтисодиёт ва технология университети проректори, Кривой Рог, Украина
Лазаренко Ирина Рудольфовна, педагогика фанлари доктори, профессор, Алтай давлат педагогика университети ректори, Россия
Филиппова Оксана Геннадьевна, педагогика фанлари доктори, профессор, Жанубий-урал давлат ижтимоий-педагогика университети, Россия
Христо Кючук, педагогика фанлари доктори, Умумий тилишуносик ва психоллингвистика профессори, Берлин Эркин университети, Туркология институти, Халқаро психоллингвистика ва Социоллингвистика журнали асосчиси ва муҳаррири, Германия
Кумсков Михаил Иванович, физика-математика фанлари доктори, профессор, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети
Тилавова Матлаб Мухаммадовна, педагогика фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети
Дилова Наргиза Гайбуллоевна, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети
Максименко Сергей Дмитриевич, академик, психология фанлари доктори, профессор, Украина Миллий педагогика фанлари академиясининг академиги
Умаров Бахриддин Мингаевич, психология фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат педагогика университети
Козлов Владимир Васильевич, психология фанлари доктори, профессор, Халқаро психология фанлари академияси президенти, П.Г.Демидова номидаги Ярославль давлат университети, Россия
Жабборов Азим Мейликулович, психология фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети
Бафев Мухиддин Мухаммадович, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
Падалка Олег Семенович, педагогика фанлари доктори, профессор, М.П. Драгоманова номидаги педагогика миллий университети, Украина
Ражабов Дилиход Зарипович, филология фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети
Маджидова Раъно Уришевна, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Файзуллаев Мухаммад Бакаевич, филология фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети
Жамилова Баширота Сатторовна, филология фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети
Юсупова Хилола Уктамонова, филология фанлари номзоди, доцент, Бухоро муҳандислик-технология институти
Рўзиева Моҳичехра Ёқубовна, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети
Иноятов Сулаймон Иноятович, тарих фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети
Ражабов Кахрамон Кенжаевич, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти етакчи илмий ходими
Хазретали Турсун, тарих фанлари доктори, профессор, Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети профессори
Мамедова Ирада, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент, Озарбайжон Миллий академияси Тарих институти бўлим бошлиғи
Жумаев Рустам Ғаниевич, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети
Тимур Хўжаюгли, тилишунос ва адабиётшунос олим, Мичиган университети профессори (AKII)
Nurettin Naitoğlu Doç. Dr., Zonguldak Bülent Ecevit Üniversitesi Fen-Edebiyat Fakültesi Tarih Bölümü (Turkiya)
Хайитов Шодмон Ахмадович, тарих фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети
Муллоджанов Сайфулло Кучакович, тарих фанлари доктори, профессор, Тожикистон миллий университети
Долгов Вадим Викторович, тарих фанлари доктори, профессор, Удмурт давлат университети, Россия
Артикова Хафиза Тўймуродовна, биология фанлари доктори, доцент, Бухоро давлат университети
Наврузова Шакар Истамовна, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат тиббиёт институти
Гушко Сергей Владимирович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Давлат иқтисодиёт ва технология университети проректори, Кривой Рог, Украина
Куралов Кобулжон Қулманович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори
Маманазаров Абдухаким Бозорович, иқтисодиёт фанлари фан номзоди, доцент, Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиали
Соҳибов Акрам Рустамович, педагогика фанлари номзоди, доцент, Қарши давлат университети
Умаров Бахмулло Жўраевич, педагогика фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети
Ҳасанова Гулноз Қосимовна, педагогика фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети

ТИББИЁТ ВА ТЕРМИНОЛОГИЯ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.041>

Наврузова Муяссар Гайбуллаевна

*Бухоро давлат университети Педагогик таълим факултети
Бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: Ушбу мақола шифокорнинг мулоқот маданияти, тиббиёт деонтологияси, шифокор билан бемор ўртасидаги муносабат, шифокор билан беморнинг яқинлари ўртасидаги муносабат, шифокорнинг ҳамкасблари билан муносабати, тиббий этика, психотерапиянинг шифокор фаолиятидаги ўрни, тиббиёт соҳаси тилининг лингвомаданий аспекти, эвфемизациянинг лингвомаданий нутқ натижаси эканлиги масалалари тадқиқига бағишланган.

Ключевые слова: культуры коммуникации, медицинская этика, психотерапия, медицинское образование.

МЕДИЦИНА И ТЕРМИНОЛОГИЯ

Наврузова Муяссар Гайбуллаевна,

*преподаватель кафедры методики начального образования,
факультета педагогического образования, Бухарского
государственного университета*

Аннотация: Данная статья посвящена изучению культуры общения врача, медицинской деонтологии, взаимоотношений врача с пациентом, взаимоотношений врача с родственники пациентом, медицинской этики, роли психотерапии в работе врача, лингвокультурологического аспекта медицинского языка, эвфемизма.

MEDICINE AND TERMINOLOGY

Navruzova Muyassar Gaybullaevna,

*Bukhara State University Pedagogical Faculty of Education Elementary
Education teacher of the methodology department*

Аннотацион: This article is devoted to the study of physician's communication manner, medical deontology, doctor-patient relationship, the relationship of doctor with the relatives of patient, medical ethics, the role of psychotherapy in physician's work, linguocultural aspect of medical language, the linguocultural speech result of euphemism.

Key words : culture of communication, medical deontology, medical ethics, psychotherapy, medical education

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кун ўзбек тилшунослигида тил маданиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва лингвистиканинг лингвокультурология сатҳи тараққий этмоқда. Зеро, мазкур йўналишнинг асосий объекти маданият ва тил алоқадорлигини, уларнинг ўзаро боғланиши, ўзаро таъсирини бир бутун тизимли яхлитлик сифатида турли касб эгалари доирасида ўрганишдан иборат. Мазкур мақолада шифокорлар нутқида қўлланиладиган лингвомаданий унсурлардан фойдаланишнинг айрим масалалари ҳақида баҳс юритамиз. Ўзбек тилшунослигида тиббиёт ходимлари нутқи махсус тадқиқот мавзуси предмети бўлмаган. Рус, турк, инглиз тилидаги тиббий нутқни эвфемизация – нутқни юмшатишнинг лисоний воситаларини ҳар томонлама таҳлил қилишга бағишланган монографик тадқиқотларнинг мавжудлиги жаҳон тилшунослигида тиббий нутқ эвфемизацияси масаласининг аҳамиятлилик даражасини, ўзбек тилшунослигида ҳам шундай тадқиқот яратиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мақсад ва вазифа:

Тадқиқотда шифокор билан бемор алоқасини ўрнатишда сўз муҳим аҳамият касб этиб, муваффақиятли даволашга ёрдам берадиган восита сифатида талқин қилинади. Шифокор иш жараёнида лингвомаданий унсурлардан оқилона фойдалана олишини, қолипчанган сўз сифатида эвфемизациянинг тиббиёт терминологиясини бойитишдаги ролини ўрганиш, тиббиёт билан боғлиқ шифокор нутқи эвфемикасини тадқиқ қилиш мақсад ва вазифа қилиб қўйилган.

Усуллар:

Тадқиқотда қўйилган мақсадга қуйидаги усулларни бажариш асосида эришилади: тиббиётга доир маданий нутқнинг функционал тавсифини бериш – тиббиётга доир нашр қилинган даврий нашр материалларидан сўзларни юмшатиш учун ишлатилган эвфемик қирраларини топиш, тиббий нутқда сўзларни юмшатиш воситаларини аниқлаш ҳамда уларни маъновий гуруҳларга ажратиш, тиббий эвфемизмлар луғати учун материаллар йиғиш.

Натижалар ва мулоҳаза:

Шифокорлик – лингвоактив касб. Тиббиёт соҳаси тилининг лингвомаданий аспекти тиббиёт деонтологияси, психотерапия, тиббий этика масалалари билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли қуйида шу омилларнинг тиббиёт амалиётдаги аҳамиятига тўхталамиз.

Тиббиёт деонтологияси – тиббиёт ходимларининг касбга алоқадор этикаси, дори-дармон, умуман, давонинг таъсирини оширишга қаратилган хулқ-атвор таомиллари. Деонтология, яъни кишининг хулқи, одоби ҳақидаги тушунча XIV асрнинг бошларида инглиз файласуфи ва иқтисодчиси И.Бентам томонидан муомалага киритилган. Тиббиёт

деонтологиясига оид маълумотлар узоқ тарихга эга бўлиб, кенг фалсафий мазмун касб этади. Деонтология шифокор билан бемор ўртасидаги муносабат (1); шифокор билан беморнинг яқинлари ўртасидаги муносабат (2); шифокорнинг ҳамкасблари билан муносабати (3) каби бир неча йўналишдан иборат. Тиббиёт деонтологиясига мувофиқ, тиббиёт ходими беморга алоҳида эътибор бериши, унинг соғлигини тиклаш, азобини енгиллатиш учун бутун билимини сарфлаши, беморга унинг соғлиғи ҳақидаги фақат фойда келтира оладиган маълумотларни айтиши, беморнинг шифокор билан сирдош бўлишига эришмоғи зарур. Беморнинг касаллиги ҳақида унинг иштирокида ҳамкасблари билан сўзлашиш ярамайди. Тиббиёт деонтологиясининг тиббий амалиётга тўғри жорий қилиниши, шифокорнинг онги, савияси, маданияти, дунёқараши, билими ва қайси жамиятда яшаётганлиги билан боғлиқ равишда амал қиладиган жараён. Кишилиқ жамиятининг турли даврларида деонтологик муносабатлар турлича кечган, у замон талабига мос равишда ўзгариб борган[1]. Кўриниб турибдики, даволаш амалиётида деонто-логиянинг муҳим фактори – нутқий омил етакчи ўринни эгаллайди, шифокор нутқи бемор психологик ҳолатини бошқаришнинг асосий воситаси саналади.

Қадимда табиблардан, кейинчалик шифокорлардан маданиятли, хушмуо-мала, соддадил ва камтар бўлиш талаб қилинган. Алишер Навоий ҳазратлари табиб ҳақида фикр юритар экан, шундай дейдилар: “Табиб ўз фанининг моҳир билимдони бўлиши, беморларга меҳр-шафкат билан муомала қилиши, асл тиб илмига табиати келишмоғи, донишмандлар сўзига риоя қилиб, уларга эргашмоғи, мулойимсўз, бемор кўнглини кўтарувчи, андишали, хушфеъл бўлмоғи керак. Табиб агар ўз касбига моҳир бўлса-ю, аммо ўзи бадфеъл, бепарво, кўполсўз бўлса, беморни ҳар қанча муолажа қилганда ҳам барибир унинг мижозидида ўзгариш пайдо қилолмайди”. Абу Али Ибн Сино табибнинг касални даволашдаги уч таянч қуроли: сўз, гиёҳ, тиб орасидан сўзни биринчи ўринга қўйган ҳолда, шифокорнинг кўзи бургутники каби ўткир, қўллари қизнинг қўллари каби нозик, юраги шерникидек довюррак ва ақли илон каби бўлишини эътироф этганлиги диққатга сазовордир[2].

Тиббий этика (юнонча одат, характер) умумий этика меъёрининг бир қисми сифатида шифокорнинг ахлоқий мезонлари, унинг хатти-ҳаракатлари, ахлоқий меъёри мажмуини, профессионал бурч ва хурмат, виждон ва кадр-қиммат туйғусини ўз ичига олади. Тиббий этика тиббиёт ходимининг кундалиқ ҳаёти, фаолиятида, унинг маданияти, жисмоний ва ахлоқий поклик каби муайян ҳаракатлар стандартини қамраб олади. Умуман олганда, тиббий этика шифокор ички дунёсининг кўзгуси саналади[12]. Нутқий этикет масаласи билан шуғулланган таниқли

мутахассис Н.И.Формановскаянинг фикрича, нутқий этикет – нутқий хулқ-атвори тартибга солувчи қоидалар, суҳбатдошнинг алоқани танланган тоналликда ўрнатиш, тутиб туриш ва узиш учун жамият томонидан қабул қилинган ва буюрилган мулоқотнинг миллий ўзига хос, стереотип, барқарор формулалари эканлигини ёш авлодга, умуман, сўзлашувчиларнинг барчасига етказиш зарур[5]. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики, ҳар бир шахс, касбидан қатъи назар, нутқий этика – мулоқот маданиятини эгаллаб олмоғи зарур. Зеро, барча муносабатларда кишининг инсонлараро мулоқот жараёни жуда муҳим социо-психологик аҳамият касб этади.

Психотерапия – беморни даволаш мақсадида қулай шарт-шароит яратиш, чиройли сўз, хушмуомалалик билан уларнинг онгига руҳий таъсир этиш. Психотерапиянинг рационал, тушунтириш, ишонтириш (сергаклик ва гипноз ҳолатларида), ўз-ўзини ишонтириш (аутоген машқ) ва бошқа хиллари бор[7]. Психотерапияда шифокор нутқи, сўзлаш маданияти, беморга сўз воситасида ижобий таъсир этиш кўникмасининг шаклланганлиги шифокор муваффақияти гаровидир.

Шифокор касаллик ва жароҳатнинг олдини олиш (профилактика), уни аниқлаш, таъхис қўйиш (диагностика) ва даволаш (терапия) билан шуғулланади. Бунга тиббий билими, шифокорлик маҳоратини доимий такомиллаштириш йўли билангина эришиб бориши мумкин. Бу эса бир қатор фундаментал, умумий врачлик ва махсус фанларни ўрганиш, бемор билан бевосита мулоқотда бўлиш тажрибасини эгаллаш, унинг ички эҳтиёжлари ва дарддан азият чекишини билишдек муҳим жараёнлар билан боғлиқ[9]. Шундай экан, беморнинг умиди шифокордан, бетоб ётган киши шифокорга даволаниш жараёнида тез-тез мурожаат қилади, шифокор касаллик сабабларни суриштиради, чунки ҳеч қандай касаллик ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Шундай пайтда шифокор бемор билан шундай муносабатда бўлмоғи зарурки, унинг муолажасини қабул қилаётган киши у ҳақда фақат яхши фикрда бўлсин. Буюк табиб Абу Али ибн Сино таъбири билан айтганда, шифокор беморнинг дўсти, устози ва ёрдамчиси бўлиши лозим. Шифокорнинг инсонпарварлик фазилати бемор билан муносабатда асосий ўрин эгаллайди. А.Чехов: “Шифокорлик касби – жасорат. У фидокорлик, қалб тозаллиги ва эзгу ниятлар улуғлигини талаб қилади. Ҳар ким ҳам бунга қодир эмас”, таниқли профессор Н.Эльштейн: “Тингламоқ ва эшита билмоқ ҳам даволаш”, – деб ёзганда шуни назарда тутган. Врачанамнез (касалликнинг келиб чиқиш тарихи) йиғиш маданиятини ўзлаштирган бўлиши жуда муҳим. Бемор касаллиги бўйича сўраб-суриштириш, ўрганиш – ижодий жараён, чунки диагностика усуллари орасида анамнез ўзининг қулай ҳамда самарали эканлигини исботлаган[11]. Бундай вазият шифокордан

бемор билан мулоқот нутқ юмшоқлиги, вазиятни бошқара олиш, салбий жараёни беморга етказишда эҳтиёткорлик, воқеликни яшириш лозим бўлганда касалликни ўз номи билан эмас, беморга оғир ботмайдиган ифода билан аташни – эвфемизацияни тақозо этади.

Беморнинг қўлига тиббий атамалар қўлланилган, тасвирлар акс этган рентген суратлари, тегишли бланкадаги меъёрий кўрсаткичлар, умуман, хаста кишини кўрқитадиган лаборатория текшируви натижаларини бериб бўлмайди. Шифокорлик этика ва деонтологияси принципларини унутмаган ҳолда касаллик диагностикасида касаллик турига қараб беморга унинг касаллиги ташхиси тўғрисида хабар беришнинг ўзига хос меъёрий томонлари бор. Бу жуда ҳам нозик ва мураккаб психологик масала. Одатда, бу беморнинг руҳиятини инобатга олиб, индивидуал тарзда ҳал қилинади. Буюк юнон табиби Гиппократ: “Беморни меҳр-муҳаббат ва ақлли таскин бериш йўли билан ўраб ол, бироқ, асосийси, унга нима хавф туғдираётган бўлса, ўшандан уни хабарсиз қолдир”, – деган. Олдинги мақолада эвфемизмларнинг функционал турларидан бири сифатида Л.А.Булаховскийнинг фикрига таяниб, “кўрқинчли предмет ва ҳодисанинг номини яшириш ва алмаштириш” мақсадида қўлланиладиган эвфемизмлар турини ажратган эдик. Беморни касаллик диагностикасидан хабардор қилиш жараёни шифокор нутқида мана шундай эвфемизмларни қўллашни талаб этади.

Оғир кечувчи, тузатиб бўлмайдиган касалликларда беморнинг яқинларини соғайиб кетиши мумкинлигига тўлиқ ишонтириш керак эмас, лекин уларни касалликнинг ремиссияси (касаллик аломатларининг вақтинча заифлашуви)га эришишда беморга ёрдам учун шифокор тиббиётда барчага баравар имкониятлардан фойдаланаётганлигини билдириши зарур. Шундай пайтда ҳам, Н.С.Арапова айтганидек, моҳиятнинг аслини яшириш мақсадида қўлланивчи эвфемизмдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Буюк файласуф Гомер бежизга: “Битта шифокорнинг моҳирлиги кўпчилик жангчи (аскар)ларга арзийди”, – деб ёзмаган. Беморнинг маънавий дунёсига кириш учун хушмуомалалик, инсонийлик, хайрихоҳлик, кўтаринкилик миждозга ижобий таъсир кўрсатади, унда ўз касаллигига тўғри қарашни шакллантиришга, йўқотилган руҳий мувозанатни тиклашга ёрдам беради.

Ўзбек тилшунослигида тиббиёт ходимлари нутқи махсус тадқиқот мавзуси предмети бўлмаган. Рус, турк, инглиз тилидаги тиббий нутқни эвфемизация – нутқни юмшатишнинг лисоний воситаларини ҳар томонлама таҳлил қилишга бағишланган монографик тадқиқотларнинг мавжудлиги жаҳон тилшунослигида тиббий нутқ эвфемизацияси масаласининг аҳамиятлилик даражасини, ўзбек тилшунослигида ҳам шундай тадқиқот яратиш долзарблигини белгилайди. Бундай

тадқиқотлар тиббий таълим мазмунини бойитиш, тиббиёт таълимида ўқув материали сифатида ишлатилиши билан аҳамиятли.

Шифокорлик жуда инсонпарвар касб, унинг меҳнати – инсон саломатлиги, оила бахти, тинчлик-хотиржамликни таъминловчи омил. Аммо унинг муваффақияти фақат профессионал маҳоратига эмас, балки бемор, унинг яқинлари, ҳамкасблари билан мулоқот маданияти, этик-эстетик хислатлари, зоҳирий, ботиний маданиятига ҳам боғлиқ бўлади. Шифокорнинг ташқи кўриниши (дазмолланмаган халат, кир кўйлак, қалпоқча, шимлар, ифлос қўл ёки парваришланмаган тирноқлар, ўта ёрқин косметика, ўстирилган соч-соқол, кариоз тиш, ўткир духи ва одеклон, хунук мимика), ички маданияти (маданиятсиз мулоқот, пала-партиш, бетартиб, ёқимсиз нутқ) беморда салбий, итарувчи туйғу пайдо қилмаслиги лозим. Зоҳирий ва ботиний маданий савия яхлит бир бутунликни ташкил этиб, шахсий фазилатни кўрсатиб туради. Терапия фани асосчиси М.Я.Мудров шифокор маданияти ҳақида ўзининг қатор маърузаларида батафсил тўхталади, тиббиёт олий ва ўрта махсус ўқув юртларида шифокор маданияти ҳақида алоҳида фан – деонтология фани ўқитилади. Мулоқот маданияти масаласи янги муаммо эмас. Испан ёзувчиси, файласуф Грасиан Балтасар: “Ақл ва дид учун маданият жуда муҳим. Ким нозик ҳис этса, ўша гўзалликка кўпроқ интилади” – деб ёзган. Бугунги кунда ҳам инсоннинг ички маданияти унинг хатти-ҳаракати, иш фаолияти билан ўлчанади.

Шифокор – бемор, шифокор – талаба муносабатида бир қатор ечилмаган саволлар бор. Умумназарий муаммолардан ташқари нозик хусусий ҳолат масалалар ҳам пайдо бўладики, улар бўйича амалий таклиф, маслаҳатлар бериш орқали муаммога йўл топиш мумкин бўлади. Буюк француз ёзувчиси, математик Б.Паскал ва замондошимиз академик А.Ф.Билибиннинг бу борадаги фикрларини қиёслаймиз. Блез Паскал “Ўйлар”да: “Ҳамма нарсага ўргатиш мумкин, фақат одоблиликка эмас; одамлар ўқимишлилик эмас, кўпроқ одоблилик билан – яъни уларга махсус таълим берилмаган фазилат билан назарга тушишга интилишади[3]” – деб ёзган. А.Ф.Билибин эса: “Талабалар таҳсилида барча ҳаракат билимга, касбий методика маҳоратга қаратилади, аммо инсонлараро муносабатлар, хусусан, миждоз (пациент) билан мулоқот маданияти эътибордан четда қолади. Шифокор ҳаёт йўлида инсонлар билан муомала-мулоқот масаласи – энг муҳим фан. Бизнинг олий таълим муассасаларимизда шундай фанлар ўқитиладими? Ҳа, тиббий адабиётларда ҳам бу соҳада бўшлиқ мавжуд. Клиник фаолиятнинг муҳим ва ҳал қилувчи фактори тадқиқ методикаси (касаллик келиб чиқиши, кечиши ва тарихи) эмас, балки шифокорнинг шахсий инсоний маданиятидир. Фақат шахсий-маданий фазилатларнинг

юксалиши шифокор продукцияси хусусиятининг ўсишишга олиб келади”[3], –деб таъкидлайди. Иккала олим ҳам мулоқот маданияти таълимининг шифокор касбий маҳорати шаклланишида ўта муҳим омил эканлигини уқтирган. Мулоқот маданиятини эгаллаш бир жойда муқим турадиган жараён эмас, бу прогрессив жараён. Агар бу фазилят тарбияланиб борилса, шифокор шундай иқтидорнинг юксак чўққисига – донишмандликка эриша олади.

Хулоса сифатида шунини айтиш жоизки:

Сўз – шифокор билан бемор алоқасини ўрнатишда муҳим аҳамият касб этадиган, муваффақиятли даволашга ёрдам берадиган восита. Нутқ маданияти эса – шифокор умумкасбий маҳоратининг зарурий шартларидан бири. Шифокорлик – лингвоактив касб бўлганлиги сабабли тиббиёт соҳаси тилининг лингвомаданий аспекти тиббиёт деонтологияси, психотерапия, тиббий этика билан чамбарчас боғлиқ. Тиббиёт деонтологияси шифокор билан бемор ўртасидаги муносабат (1); шифокор билан беморнинг яқинлари ўртасидаги муносабат (2); шифокорнинг ҳамкасблари билан муносабати (3) каби бир неча йўналишдан иборат бўлиб, даволаш амалиётида деонтологиянинг муҳим фактори – нутқий омил етакчи ўринни эгаллайди, шифокор нутқи бемор психологик ҳолатини бошқаришнинг асосий воситаси саналади.

Тиббий этика умумий этика меъёрининг бир қисми сифатида шифокорнинг ахлоқий мезонлари, унинг хатти-ҳаракатлари, ахлоқий меъёри мажмуини, профессионал бурч ва ҳурмат, виждон ва кадр-қиммат туйғусини ўз ичига олади. Психотерапия – беморни даволаш мақсадида қулай шарт-шароит яратиш, чиройли сўз, хушмуомалалик билан уларнинг онгига руҳий таъсир этиш. Психотерапияда шифокор нутқи, сўзлаш маданияти, беморга сўз воситасида ижобий таъсир этиш кўникмасининг шаклланганлиги шифокор муваффақияти гаровидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Википедия” очик энциклопедияси. (Электрон ресурс): [хтtps://uz.wikipedia.org/wiki/Тиббиёт_деонтологияси](https://uz.wikipedia.org/wiki/Тиббиёт_деонтологияси)
2. Жумаев И. Тиббий одоб ва маданият – шифокор ва беморга мадад. (Электрон ресурс): [хтtps://бухвссб.уз/тиббий-одоб-ва-маданият-шифокор-ва-беморга-мадад/](https://бухвссб.уз/тиббий-одоб-ва-маданият-шифокор-ва-беморга-мадад/)
3. Культура общения врача и студента. (Электрон ресурс): [хтtps://студфилес.нет/превиенв/548345/](https://студфилес.нет/превиенв/548345/)
4. Малыгина Е.Н. Средства смягчения высказывания в медицинской речи: Автореф. дис. канд. филол. наук. Самара, 2007. – (Диссертациянинг электрон адреси): [хтtp://www.диссерсат.](https://www.диссерсат.)



сом/сонтент/средства-смягчения-высказывания-в-медитсинской-речи#ихзз5Н1ТҚБИ1з

5. Миразизов А. Ўзбек нутқий этикетига доир айрим кузатишлар // Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари, 2016. – № 4 (9). – Б.61-64.

6. Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фан. докт. ...дисс. – Тошкент, 2009. – 253 б.

7. Тиббиёт қомусий луғати. – Тошкент: “Қомуслар бош таҳририяти”, 1994. – 288 б.

8. Шарқ ҳикоят ва ривоятлари. Биринчи китоб. (Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов). – Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2015. – 525 б.

9. Эрназаров Т. Шифокор деонтологияси ва тиббий ахлоқ. (Электрон ресурс): [хтп://uzsagzt.uz/sigbin/main.sgi?lan=u&raz=2&god=2010&mes=11&id=3335](http://uzsagzt.uz/sigbin/main.sgi?lan=u&raz=2&god=2010&mes=11&id=3335)

10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 671 б.

11. Қосимов А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. Икки жилдлик. 2-жилд. (Таҳрир хайъати: Ф.Назаров, Ш.Шоабдурахмонов, А.Ҳожиёв ва б.) – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. – 568 б.

12. [хтпс://www.ereading.slab/chapter.php/1025286/9/Храмова_Полный_справочник_по_уходу_за_болными.html](http://www.ereading.slab/chapter.php/1025286/9/Храмова_Полный_справочник_по_уходу_за_болными.html)

Журнал Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан 2020 йил 6 октябрда ўтган.

Журнал ҳар ойда бир марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилади.

Журналнинг ҳажми 60x84, 1/8, А-4;

«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-методик журнали 2020 йил октябрдан нашр этилмоқда.

Педагогика, психология, филология ва тилшунослик, математика, физика ва механика, техника фанлари, табиатшунослик, тарих ва фалсафа, туризм ва иқтисодиёт, ахборот коммуникацион технологиялари, география соҳалардаги илмий ва илмий-услубий материалларни ўз ичига олади. Нашр қилинган материаллар муаллифлари Ўзбекистон Республикаси ҳамда яқин ва узоқ хорижнинг етакчи олимлари, тадқиқотчи-изланувчилари.

Журналнинг калит сўзлари:

Олий педагогик таълим назарияси ва амалиёти; умумий ва махсус педагогика ва психология, педагогика ва инновация, интеграция, Ўзбекистон, Россия ва хорижий мамлакатларнинг таълим тизими; таълим жараёни; кўп маданиятли ва минтақавий таълим; III Ренессанс, XXI асрдаги таълим; таълим ва тарбия соҳасидаги миллий ва қадрият устуворликлари; таълим сифатини мониторинг қилиш; узлуксиз педагогик таълим тизими; таълим дастурлари; умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг давлат таълим стандартлари; ўқитувчиларни тайёрлаш тизимидаги таълим технологиялари.

Гувоҳнома рақами № 8882
Бош муҳаррир: Б.Б.МАЪМУРОВ

Босишга рухсат этилди 25.10.2022. Буюртма №1345.
«Бухоро вилоят босмахонаси» МЧЖда чоп этилди.



